

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАЗИКОВА ГУЛМИРА РУСТАМОВНА

**АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ КЛИНИК-ИММУНОГЕНЕТИК
ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА ТАШХИСНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Разикова Гулмира Рустамовна

Атопик дерматитнинг клиник-иммуногенетик характеристикаси ва таъхисни
такомиллаштириш.....3

Разикова Гулмира Рустамовна

Клинико-иммуногенетическая характеристика атопического дерматита и
совершенствование методы
диагностики.....21

Razikova Gulmira Rustamovna

Clinical and immunogenetic characteristics of atopic dermatitis and improvement
of diagnostic methods39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАЗИКОВА ГУЛМИРА РУСТАМОВНА

**АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ КЛИНИК-ИММУНОГЕНЕТИК
ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА ТАШХИСНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Tib2258 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мавлянова Шахноза Закировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маннанов Абдушукур Маликович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Музаффар Акрамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хайтов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда атопик дерматит (АД) билан аҳоли ўртасида, айниқса болалар ва катталар орасида, касалланишининг намоён бўлиши ва оғишмай ўсиб бориши XXI – асрнинг глобал муаммоси бўлиб ҳисобланади. Жаҳон статистикасига кўра, касаллик билан таҳминан 7,1 дан 27,4% гача аҳоли азият чекади, бунда касалликни ўсиб бориши ҳам ички, ҳам ташқи тавсифдаги турли омилларга боғлиқ ҳолда кузатилиб борилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) статистик маълумотларига кўра «...сўнгги йилларда болаларда респиратор аллергик касалликлар ва АД «дерматореспиратор синдром» билан бирга учраш ҳолатлари кўп кузатилмоқда...»¹. Касалликнинг бундай кечиши катталарда дерматознинг асоратли шакллари ривожланишига олиб келувчи энг жадал, оғир кечувчи - «атопик триада» ёки «оғир атопик синдром» кўринишида намоён бўлиб, АДни эрта ташҳислаш, профилактика ва даволаш усуллари самарадорлигини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда АДни ташҳислаш ва даволашни самарали усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, сўнгги ўн йилликларда АД ривожланиши негизида ётувчи ирсий механизмларнинг аҳамияти, прогностик хавф омилларини аниқлаш, беморлар қонида атопияга номзод-генлар(Arg753Gln, T-1237C, T-330G)нинг функционал полиморфизми ҳолатини баҳолаш, патологик жараён ривожланишида триггер–аллергенлар таъсирини аниқлаш, оғир кечишга мойил шакллари эрта ташҳислаш, самарали даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар ва катталар орасида юзага келадиган турли тери касалликларининг олдини олиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чораларда «...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, ҳамда тиббий стандартизация тизими, ташҳислаш ва даволашнинг юқори технологик услубларини яратиш, соғлом ҳаёт тарзи ва касалликлар олдини олиш диспансеризациясининг самарали усуллари яратиш...»² каби қатор устувор вазифалар белгиланган. Бу борада тери аллергик касалликларини эрта ташҳислаш, даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, оғир шакллари ривожланишини профилактика қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябридаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб

¹ <http://www.who.int/meiacentre>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябридаги ПФ-6110-сон Фармони “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”

борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябридаги ПФ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябридаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ маълумотларига кўра, Европа, Америка, Осиё олимлари томонидан АДда FLG гени мутациясининг молекуляр-генетик хусусиятлари ўрганилган, беморни у ёки бошқа этник популяцияга тааллуқли эканлиги белгилаб берилган. Европа популяцияси учун R501X, 2282del4, R2447X, 3702delG, S3247X 5 мутациясидан аксарият ишларда 2 мутация, Осиёликлар учун эса – 3321delA, S2554X, S2889X ва S3296X мутациялари ҳослиги қайд этилган (Barker J.N.W.N., Palmer C.N.A.et all., 2007; Potaczek D.P., Nastalek M., 2011). Цитокин тармоғининг оксил генларига-тимуснинг стромал лимфопоэтин гени (TSLP), IL-25, IL-33, IL-4, IL-10, IL-13 генлари, нуклеотид кетма-кетликнинг ўзгаришлари ўрганилган, улар иммун реакциялар кечишидаги ўзгаришларга ва аллергия касалликлар, жумладан АДга мойилликни шаклланишига олиб келиши исботланган (Гималова Г.Ф., Карунас А.С., Хуснутдинова Э.К., 2012)

Ўзбекистон олимлари томонидан глутатион S-трансфераза (GSTM1 ва GSTT1) ва яллиғланиш олди цитокин гени ФНО- α нинг атопик дерматитнинг ривожланиш механизмидаги роли ўрганилган, бу ҳолат атопик дерматитнинг оғирлик даражасининг ривожланишида аҳамиятли бўлган юқори хавф маркери бўлиб ҳисобланиши тасдиқланган (Мавлянова Ш.З., Гулямова Г.Ш. ва ҳаммуаллифлар, 2020). IL-4 ва умумий IgE яллиғланиш олди цитокинлари атопиянинг иммунологик маркерлари даражаси ва касалликнинг клиник шакли, клиник кечишини ҳисобга олиш (патологик жараённинг оғирлиги) билан атопик дерматитни ривожланиш ҳавфи билан бирга келиши ҳамда текширилган генлар ассоциациясининг ўзаро алоқаси тасдиқланган. [Муминова С.Р., 2019].

Шуни таъкидлаш жоизки, АД мультифакториал, генетик мойилликка эга касаллик сифатида ривожланиш механизмидаги экзоген ҳамда эндоген омилларнинг таъсирини ўрганиш бўйича чуқур тадқиқотлар ўтказилмаган. Атопияни ривожланишига жавобгар бўлган молекуляр-генетик генларини баҳолаш дерматознинг янги механизмларини ривожланишини очиб беради, бу эса касалликни олдини олиш ва патогенетик даволашнинг янги

узулларини ишлаб чиқиш имконини беради. Клиник-функционал, биокимёвий, иммуногенетик кўрсаткичларни ўз вақтида аниқлаш ва патогенетик асосланган коррекциялаш, касалликни эрта ташхислаш, зўрайиш даражасини камайтириш ҳамда ремиссия даврини узайтиришга ёрдам беради. Юқорида таъкидланган муаммолар батафсил ўрганилиши талаб этилади, бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг “Кремнийли эритмалар асосидаги парафармацевтик маҳсулотларни янги авлод дориларини ишлаб чиқиш” (2021-2022 йиллар) мавзусидаги ФЗ -202004116 инновацион грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади атопик дерматит ривожланишини молекуляр-генетик ва иммунологик механизмларини эрта аниқлаш ҳамда ташхисни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

атопик дерматитли беморлар қонида атопияга (Arg753Gln, T-1237C, T-330G) номзод-генларнинг функционал полиморфизм ҳолатини аниқлаш;

атопик дерматитнинг оғирлик даражаси ва клиник шакллари ҳисобга олиш билан ген цитокинларнинг полиморф вариант аллеллари ва генотиплари сони тақсимланишининг таҳлилини баҳолаш;

атопик дерматит билан оғриган беморларда атопияга номзод-генлар аллел вариантларини ҳисобга олиш билан яллиғланиш олди (ИЛ-2) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) цитокинлар ҳолатини баҳолаш;

атопик дерматитнинг ривожланиш ҳавфини эрта ташхислаш алгоритми ва такомиллаштирилган патогенетик даволаш усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида кузатувда бўлган 3 ёшдан 62 ёшгача атопик дерматитнинг турли шакллари билан касалланган 160 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик қон, қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

атопик дерматитни молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида клиник вариантлари ва оғирлик даражасини аниқлашда асосий рол ўйновчи толл-симон *TLR2* гени 2258G>A рецепторлари ва *TLR9* генининг T1237C интерлейкинларнинг синф генлари аллел вариантларини полиморф вариантлари билан ўзаро таъсири исботланган;

атопик дерматит билан оғриган беморларда умумий иммуноглобулин E нинг гиперпродукцияси фонида дерматоз оғирлик даражасининг ошиши билан яллиғланиш олди (ИЛ-2) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) цитокинлар

даражасининг 4,8 ва 1,8 мартага ошганлиги тавсифланган, бу эса цитокинларнинг декомпенсатор реакция ҳолати билан исботланган;

атопик дерматитли беморларда ИЛ-2 генининг T/G ва G/G салбий аллел вариантларининг гетерозигот ва гомозиготли полиформизм генотипларида ушбу геннинг ижобий T/T генотипларига нисбатан умумий иммуноглобулин E ва яллиғланиш олди цитокини ИЛ-2 нинг кўрсаткич даражаларини 1,1-1,3 маротабага кескин равишда ошиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

TLR9 гени (rs5743836) T1237C ва *TLR2* гени 2258G>A (Arg753Gln) полиморфизми генлари генотипларини ҳисобга олиш билан атопик дерматитнинг оғир шакллари ривожланиш ҳавфи башоратлаш усулига асосланган;

атопик дерматит билан бирга келувчи аллергия ринитга мойил бўлган ирсий маркер сифатида *TLR2* (rs2069762) генининг T330G полиморфизми ва атопик дерматит билан бирга келувчи бронхиал астмага мойиллик маркери бўлиб *TLR2* (rs5743836) гени T1237C ва *TLR2* гени 2258G>A (Arg753Gln) полиморфизмига асосланган;

атопик дерматит билан касалланган беморларни клиник-иммунологик ва молекуляр-генетик текширишлар асосида *IL-2* генининг T330G ва *TLR2* генининг 2258G>A толл-симон рецепторлари генлари аллел вариантларини ҳисобга олиш билан маҳаллий ишлаб чиқарилган «Гепапрот - Нео» 0,45 г даволаш мажмуасига киритилган гепатопротектив мембранани турғунлаштирувчи, иммунитетни яхшиловчи дори воситасини буюрилиши билан тавсифланувчи индивидуаллаштирилган самарадорлиги исботланган патогенетик даволаш усули ишлаб чиқилганлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АД кечишининг клиник вариантларини ривожланиш механизмида *TLR9* гени T1237C ва *TLR2* гени 2258G>A толл-симон рецепторлар синфи полиморфизми генлари ассоциациясини касаллик клиник кечишига салбий таъсир кўрсатиши ва оғир шакллари ривожланишини эрта ташҳислаш ва ташҳисни такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *IL-2* гени T330G ва толл-симон *TLR9* ҳамда *TLR2* рецепторлари синфи генотипларининг аниқлашини атопик дерматитнинг оғир клиник шакли – дерматореспиратор синдромни башоратлашнинг молекуляр-генетик ташҳислаш мезони сифатида қайд этилганлиги, комплекс даволаш фонида маҳаллий дори воситаси «Гепапрот-Нео»нинг буюрилиши билан тавсифланувчи патогенетик давонинг янги усули ишлаб чиқилганлиги касалликнинг рецидивлик ҳолатини 3,9 мартага

қисқариши ва даволаш самарадорлигини 64,8% га ошишига имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Атопик дерматит билан хасталанган беморларга эрта ташҳис қўйиш, касаллик ривожланишининг олдини олиш, самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

атопик дерматитли беморларнинг клиник-иммуногенетик тавсифини ўрганиш ва эрта ташҳисни такомиллаштирилиш асосида ишлаб чиқилган «Атопик касалликларни молекуляр-генетик прогнозлаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги №8н-з/573-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома касалликнинг оғир шакллари эрта ташҳислаш, иқтисодий самарадорликка эришиш ва дерматознинг асоратларини камайтириш ҳамда даволашнинг молиявий ҳаражатларини камайтириш имконини берган;

атопик дерматит билан хасталанган беморларга эрта ташҳис қўйиш, касаллик ривожланишининг олдини олиш, самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази ва МЧЖ «EMBRYO SERVICE» клиникалари клиник амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 13 июндаги №08-16812-сон хулосаси). Илмий натижаларни клиник амалиётга жорий қилиниши касалликнинг кечишини эрта башорат қилиш, даволашни такомиллаштириш, асоратларни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифат кўрсаткичини яхшилаш натижасида даволаниш ҳаражатларини 1,4 баробарга, ҳар бир бемор учун ўртача даво нархини 3 500 000 сўмга камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 та республика, 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида дерматознинг амалий соғлиқни сақлаш ва иммуногенетик аспектларида атопик дерматит касаллигини долзарблиги, ўтказилган тадқиқотларнинг талабгорлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари акс эттирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, диссертация ишини республика фан ва технологияларни устивор йўналишларига мослиги намойиш этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга

жорий этиш рўйхати, диссертация тузилмаси ва нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Атопик дерматитнинг этиопатогенезига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий нашрларда сўнгги 10-15 йилда АД муаммоси бўйича илмий тадқиқотларнинг адабиётлар таҳлили баён этилган, бунда касаллик ривожланишини этиопатогенетик аспектларига замонавий қарашлар батафсил келтириб ўтилган, бунда молекуляр-генетик ва иммунологик тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилди.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари ва клиник материалларнинг умумий тавсифи баён этилган. Тадқиқотнинг вазифалари ва қўйилган мақсадга етишиш учун 3 ёшдан 62 ёшгача бўлган атопик дерматитнинг турли шакллари билан хасталанган 160 нафар бемор Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган аллергология илмий-амалий маркази кузатуви остида булди. Атопик дерматит ташхиси КХТ-10 таснифига мос ҳолда Nanifin J., Rajka G. (1980) томонидан: катта (мажбурий) ва кичик (қўшимча) атопик дерматитнинг ташхислаш мезонлари асосида қўйилди.

Клиник шакли бўйича АД нинг эритематоз-сквамоз шакли 60 нафар беморларда ташхисланди, бу 37,5% ни, экссудатив шакли – 28 (17,5%), лихенификацияли эритематоз-сквамоз шакли– 34 (21,3%), лихеноидли шакли – 24 (15%) ва пруригиноз шакли – 14 беморларни ташкил этди, бу 8,7% ҳолатни ташкил этади. Эркаклар – 85 (53,1%) ва аёллар - 75 нафарни (46,8%) ташкил этди.

Диссертация ишини бажаришда қуйидаги текшириш усуллари ўтказилди: оғирлик даражасини SCORAD индекси ёрдамида аниқланди. Яллиғланиш олди– (ИЛ-2) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) цитокинларини ИФТ текшириш, умумий IgEни аниқлаш, *TLR9* гени, *TLR2* гени ва T1237C полиморфизмини, шунингдек *IL2* гени T330G интерлейкинларини молекуляр-генетик текшируви ўтказилди. Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда шахсий компьютерлар учун қўлланиладиган дастур таъминоти «Statistica for Windows 7.0» жамланмасидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Атопик дерматитнинг клиник-иммунологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида 160 нафар беморларда касалликни клиник шакли, беморларнинг жинси, оғирлик даражаси, касалликни давомийлиги, тери-патологик жараёнларининг тавсифини ҳисобга олиш билан АДни клиник кечишини тавсифи батафсил баён этилган

АДли 160 нафар беморларда SCORAD индексини аниқланиши билан оғирликнинг мос ҳолдаги енгил даражаси - 38 нафар беморларда (23,7%), ўрта даражаси – 79 (49,7%) ва оғир даражаси – 43 (26,8%) аниқланди. Касалликни жинсий аспектларини ҳисобга олиш билан оғирликнинг енгил даражаси энг кўп – 57,9% (38 дан 22) аёл жинсидаги беморларда, оғирликнинг ўртача даражаси эса – эркак жинсидаги шахсларда – 69,6% (79 дан 55) ташхисланди, бизнинг ҳолатимизда оғирликнинг оғир даражаси кўпинча аёл жинсидаги шахсларда ташхисланиб, – 67,4% (43 дан 29) ташкил этган бўлса, оғирликнинг ўрта даражаси эркак жинсидаги шахсларда мос ҳолда - 69,6% ни ташкил этди.

Касалликни клиник кечишини гендерлик ўзига хослиги шу нарсани аниқладики, оғирликнинг оғир даражаси энг кўп холларда аёл жинсидаги шахсларда 67,4% (43 дан 29), оғирликнинг ўрта даражаси эса - 69,6% эркак жинсидаги шахсларда мос холда аниқланди. Эҳтимол бундай ҳолат организмнинг гормонал ўзига хослиги билан тушунтирилади, бу эса организмнинг иммунологик реактивлиги билан ўзаро боғлиқдир.

АД нинг эритематоз-сквамоз шаклида клиник шаклга боғлиқ холда энг кўп 61,6% (60 дан 37) оғирликнинг ўрта даражаси ташхисланди, лихенификацияли эритематоз-сквамоз шакли кўпинча – 38,2% оғирликнинг оғир даражаси билан кечди, бунда экссудатив шакл – 57,1% ҳолатларда (28 дан 16) оғирликнинг ўрта даражасига эга бўлди. АД нинг лихеноидли ва алвон ранг шаклларимос холда 54,2% (24 дан 13) ва 50% (14 дан 7) оғирликнинг оғир даражасига эга бўлди. Касалликни давомийлиги бўйича беморларнинг энг катта миқдорини оғирликнинг оғир даражасидаги - 62,8% ва ўрта даражаси – 45,6% ташкил этган бўлса, оғирликни енгил даражасини – 39,5% ҳолат ташкил этди.

АД нинг клиник вариантларининг таҳлилида аниқландики, АДли аллергия ринит билан йўлдош патологияли бўлган беморларда дерматоз оғирлигининг оғир даражаси энг кўп холларда ташхисланди, бу 41,4%ни ташкил этди, бронхиал астма йўлдош касаллик бўлган АДли беморларда эса мос холда оғирликнинг ўрта даражаси энг кўп ҳолатларда 45,5% учради.

Адабиёт маълумотларига мос холда атопик дерматитни клиник кечиш оғирлиги кўп холларда организмнинг иммунологик реактивлигига боғлиқ бўлади, бунда организмнинг хужайра реакциясига муҳим эътибор қаратилади.

Шу билан боғлиқ холда бизнинг тадқиқотларимизни мақсади бўлиб, АД ли беморларда ИЛ-2 ва ИЛ-10 интерлейкинлари ва умумий IgE зардобдаги даражаси билан SCORAD индексини ҳисобга олиш орқали клиник белгиларнинг ўзаро алоқасини баҳолаш ҳисобланди.

Демак, ИФТ тадқиқот натижалари кўрсатдики, АД беморларида соғлом шахслар кўрсаткичлари билан солиштириш бўйича яллиғланиш олди цитокини ИЛ-2 концентрациясини 4,8 мартага сезиларли ортиши қайд этилади ва бу ўртача $17,39 \pm 2,63$ пг/мл ни ташкил этди ($P < 0,05$). Шунингдек яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-10 нинг даражаси ҳам соғлом шахслар кўрсаткичлари билан солиштирилганда 1,8 мартага ошди ва бу статистик ишончли тавсифга эга бўлди ($P < 0,05$). Бунда умумий иммуноглобуллин Е нинг даражаси ўртача $187,6 \pm 4,7$ МЕ/мл ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги шахслар кўрсаткичларидан 2,7 мартага ошди ($P < 0,05$).

Дерматореспиратор синдромли АД беморларидаги умумий IgE ва цитокин статусини ИФТ текширувларининг қиёсий таҳлили дерматореспиратор синдромсиз АД ли беморлар гуруҳи билан солиштирилганда -1,2 мартага, назорат гуруҳи билан солиштирилганда эса яллиғланиш олди цитокини ИЛ-2 ни 5,8 мартага яққол намоён бўлган гиперпродукциясини кўрсатди ва у ўртача $20,9 \pm 1,0$ пг/мл ни ташкил этди ($P < 0,05$). Бунда ИЛ-10 нинг даражаси ўртача $9,7 \pm 0,07$ пг/мл ни ташкил этди, бу эса соғлом шахслар кўрсаткичларидан 19 мартага юқори бўлишини ва дерматореспиратор синдромсиз АД беморларида 1,03 марта юқори бўлишини кўрсатди ($P < 0,05$). Дерматореспиратор синдромли

АД беморларида ИЛ-2 ва ИЛ-10 даражасини ортиши организмда бактерия ёки вирус/замбуруғ инфекцияларини кўшилиши билан кузатилувчи аутоиммун жараёнини фаоллашишидан далолат беради.

Клиник-иммунологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, АД беморларда дерматознинг оғирлик даражасини ортиши билан дерматоз оғирлигининг энгил даражаси кўрсаткичлари билан солиштириш бўйича ИЛ-2 ни 1,4 мартага ва ИЛ-10 ни 1,07 мартага пасайиши ва соғлом шахслар кўрсаткичлари билан мос холда қийсанганда ИЛ-2 ва ИЛ-10 даражасини 4,8 ва 1,8 мартага ортиши билан тавсифланувчи умумий иммуноглобулин Е гиперпродукцияси фонида яллиғланишга қарши ва яллиғланиш олди цитокинлари кўрсаткичларини декомпенсатор реакцияси қайд этилди. Олинган маълумотлар атопик дерматитли беморларда иммункоррекциялашнинг оптимал усулларини ишлаб чиқариш тўғрисида гувоҳлик беради.

Диссертациянинг «Атопик дерматитнинг молекуляр-генетик тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида 2 рецептор толл-симон гени 2258G>A (Arg753Gln) полиморфизми (*TLR2* – rs5743708 полиморфизмининг референс сиквенс рақами), 9 толл-симон рецептор гени T1237C полиморфизми (*TLR9* – rs574383 полиморфизмининг референс сиквенс рақами) ва интерлейкин – 2 гени T330G полиморфизми (*IL2* – rs2069762 полиморфизмининг референс сиквенс рақами) ларини молекуляр-генетик текширишларни тавсифловчи атопик касалликларни ривожланишида иммун реакциялар омилларида генетик полиморфизм ролини баҳолаш баён этилган.

Ўрганилаётган генларнинг алелл вариантлари ва генотипларини аниқлланилишини баҳолаш учун беморлар 3 кичик гуруҳларга ажратилди:

1) 1.1 кичик гуруҳ – фақат атопик дерматитли беморлар (АД, n=53), 2) 1.2 кичик гуруҳ – АД ва аллергия ринитли беморлар (АД+АР, n=30), 3) 1.3 кичик гуруҳ–АД ва бронхиал астмали беморлар (АД+БА, n=17). Кўрсатилган гуруҳлар ва кичик гуруҳларда номзод-генлар генотиплари ва полиморф алелларнинг учраш сонини қийсий таҳлили ўтказилди.

1-жадвал

Назорат ва атопияли беморлар гуруҳида *TLR2* гени rs5743708 (Arg753Gln) полдиморфизм генотиплари ва алелларининг учраш сони.

№	Гуруҳ	Алеллар сони				Генотиплар сони					
		G (Arg)		A (Gln)		G/G (Arg/Arg)		G/A (Arg/Gln)		A/A (Gln/Gln)	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ, n=100	186	93,00	14	7,00	86	86,00	14	14,00	0	0
1.1	Атопик дерматит, n=53	97	91,51	9	8,49	44	83,02	9	16,98	0	0
1.2	Атопик дерматит + аллергия ринит, n=30	59	98,33	1	1,67	29	96,67	1	3,33	0	0
1.3	Атопик дерматит + бронхиал астма, n=17	30	88,24	4	11,76	13	76,47	4	23,53	0	0
2	Назорат гуруҳи, n=98	189	96,43	7	3,57	91	92,86	7	7,14	0	0

Популяция танловда (назорат) ва асосий гуруҳ беморлари танловида *TLR2* гени rs5743708 полиморфизми (2258G/A ёки Arg753Gln) алелларини тақсимланиш сонини бизлар томонимиздан ўтказилган текширишлари

кўрсатдики, “А” аллел мутанти назорат гуруҳига нисбатан атопияли беморларда ишончсиз равишда кўп учради (мос холда 7,0% ва 3,6%; $\chi^2=2,32$; $p<0,2$; OR=2,03; 95% CI 0,816-5,065); «G» “ёввойи” аллел сони эса беморлар гуруҳи устидан назорат гуруҳини аҳамиятсиз устунлик кўрсаткичларига эга бўлди (мос холда, 96,4% ва 93,0%; $\chi^2=3,32$; $p<0,2$; OR=0,49; 95% CI 1,226-0,198). Бизнинг тадқиқотларимизда олинган маълумотлар муносабатлар имкониятини юқори аҳамиятлилигига қарамасдан (OR=2,03), атопик патология ва *TLR2* гени *rs5743708* (Arg753Gln) полиморфизми алллари ўртасида ассоциациянинг мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимизда олинган маълумотлар беморларда атопик дерматит мавжуд бўлганида бронхиал астмани ривожланиши билан 753 аминокислотанинг кетма кетлик ҳолатида Arg ни Gln га ўрин алмашинувиغا олиб келувчи *TLR2* гени *rs5743708* полиморфизми “А” аллели ноҳуш вариантлари билан алоқасини кўрсатди. Бизлар томонимиздан аниқландики, геномда аллел полиморфизм вариантнинг мавжудлик ҳолатида ушбу иккиламчи атопик патологияни ривожланиш ҳавфи 3,6 мартага ошди (OR=3,6). Шунингдек олинган натижалар шуни кўрсатадики, *TLR2* гени *rs5743708* полиморфизми гетерозигот генотиплари атопик дерматит фонида бронхиал астмани юзага келишини, G/A генотипини ташувчилик эса – мазкур патологияни юзага келиш ҳавфини 4 мартага оширувчи мойиллик омилини белгилаб берувчи генетик детерминант бўлиб ҳисобланади (OR=4,0).

Бунда популяцион танловда (назорат) ва асосий гуруҳ беморларини танлаб олишда *TLR9* гени T1237C (*rs5743836*) полиморфизм аллларини тақсимланиш сонини тадқиқ қилиш кўрсатдики, асосий гуруҳдаги атопияли беморларда «С» мутант аллели худди назорат гуруҳидаги беморлари каби учрайди (9,5% ва 10,2%, мос холда; $\chi^2=0,06$; $p<0,9$; OR=0,924; 95% CI 0,477-1,789); «ёввойи» аллел «Т» сони шунингдек кўрсаткичларга яқин белгиларга эга бўлди (мос холда, 90,5% ва 89,8%; $\chi^2=0,06$; $p<0,9$; OR=1,083; 95% CI 2,096-0,559). Бизнинг тадқиқотларимизда олинган маълумотлар *TLR9* гени T1237C (*rs5743836*) полиморфизми «С» аллел вариантлари ва атопик патология ўртасида ассоциация мавжуд эмаслигини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Атопияли ва назорат гуруҳ беморларини текширишда *TLR9* гени T1237C (*rs5743836*) полиморфизмининг гетерозиготлигини кутилаётган ва кузатилаётган сонини қиёсий баҳолаш

Гуруҳлар	N_0	N_e	D *
1. Асосий гуруҳ	0,19	0,17	0,105
1.1. АД	0,19	0,17	0,104
1.2. АД + АР	0,03	0,03	0,017
1.3. АД + БА	0,47	0,36	0,308
2. Назорат гуруҳи	0,18	0,18	0,002

Изоҳ: $D=(N_0-N_e)/N_e$, бу ерда D – кутилаётган гетерозиготликни кузатилишидан нисбий силжиши, N_0 – кузатилаётган гетерозиготлик, N_e – кутилаётган гетерозиготлик.

TLR9 гени T1237C (*rs5743836*) полиморфизми T/T гомозигот генотипининг назарий кутилаётган сонининг популяцион назорат гуруҳида ХВни

тенглаштириш билан ҳисоблаш 0,81ни, Т/С гетерозигот генотипда эса -0,18ни, С/С генотипнинг мутант алелл бўйича гомозиготлиги -0,01ни ташкил этди. Полиморфизмлар генотипининг кутилаётган сонининг аҳамияти мос холда Т/Т учун 0,81, Т/С учун 0,18 ва С/С учун 0,01ни ташкил тэтди ($p=0,982$).

Кейинчалик бизлар томонимиздан АД беморларида *IL2* гени(Т330G) генотиплар ассоциациясининг полиморфизми ва алелл вариантларнинг аниқланиш сони ҳамда йўлдош аллергик касалликлар билан унинг клиник вариантлари (АР ва БА) (3-жадвал).

3-жадвал

Назорат ва атопияли беморлар гуруҳларида *IL2* гени rs2069762 (Т330G) полиморфизмининг алелл ва генотипларини учраш сони

№	Гуруҳ	Алеллар сони				Генотиплар сони					
		Т		G		Т/Т		Т/G		G/G	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ n=100	122	61,00	78	39,00	41	41,00	40	40,00	19	19,00
1.1	Атопик дерматит, n=53	60	56,60	46	43,40	17	32,08	26	49,06	10	18,87
1.2	Атопик дерматит + Аллергик ринит, n=30	36	60,00	24	40,00	14	46,67	8	26,67	8	26,67
1.3	Атопик дерматит + Бронхиал астма, n=17	26	76,47	8	23,53	10	58,82	6	35,29	1	5,88
2	Назорат гуруҳи, n=98	136	69,39	60	30,61	54	55,10	28	28,57	16	16,33


Популяцион танловда (назорат) ва асосий гуруҳ беморлари танловида *IL2* гени rs2069762 (Т330G) алелл полиморфизмларини тақсимланиш сонини бизлар томонимиздан ўтказилган текширишлари кўрсатдики, «G» мутант алелли назорат гуруҳга нисбатан атопияли беморларда кўпроқ учради (мос холда 39,0% ва 30,6%; $\chi^2=3,07$; $p<0,1$; OR=1,45; 95% CI 0,957-2,195), бунда «Т» нинг «ёввойи» алеллар сони назорат гуруҳида юқори бўлди (61,0% – асосий гуруҳ; 69,4% – назорат гуруҳи; $\chi^2=3,07$; $p<0,1$; OR=0,69; 95% CI 0,45-0,456). Бизнинг тадқиқотларимизда олинган маълумотлар атопик патология ва *IL2* генининг rs2069762 (Т330G) полиморфизм «G» алеллари ўртасидаги кучсиз ассоциацияни кўрсатади, буни ривожланиш имконияти мазкур ирсий детерминант мавжудлигида 1,45 мартага ортади (OR=1,45) (№3 жадвал).

Беморларнинг кичик гуруҳида фақат АД(1.1) ва АД+АР (1.2) ларда «G» вариантыдаги алелл популяцион назорат гуруҳига нисбатан шунингдек кўпроқ учради (назорат: 30,6%; АД: 43,4% - $\chi^2=4,94$; $p<0,05$; OR=1,74; 95% CI 1,067-2,830; АД+АР: 40,0% - $\chi^2=1,84$; $p<0,2$; OR=1,51; 95% CI 0,832-6,0), бунда фақат АДли беморлар танловида мутант алеллдаги сонлар фарқигина ишончли бўлиб чиқди. АДни кечиши бронхиал астма билан асоратланган беморларнинг кичик гуруҳида (1,3 кичик гуруҳ) «G» алеллар сони аксинча назорат гуруҳига нисбатан паст бўлди (назорат: 30,6%; АД+БА: 23,5% - $\chi^2=0,70$; $p<0,5$; OR=0,70; 95% CI 1,624-0,299), аммо назорат билан кўрсатилган фарқни статистик тасдиқланишини мавжуд бўлмаслиги БА билан боғланган АД патогенези билан вариантли алелларнинг паст сонини боғлаб олишга имкон беради.

Шундай қилиб, бизлар олиб борган тадқиқот материаллари патология ҳавфини 2,4 мартага оширган холда АДни ривожланиши ва *IL2* гени

rs2069762 (T330G) полиморфизми T/G генотипларининг гетерозиготлиги ўртасида ассоциатив алоқа мавжудлигини кўрсатди. Бироқ АД беморлари геномида мазкур генотипнинг мавжудлиги уларда келгусида мантиққа зид ҳолда аллергия ринитни юзага келиш ҳавфини 2,6 мартага пасайтириб, касалликни юзага келишини олдини олади. Олинган натижалар аллергия ринитни ривожланишига нисбатан протектив таъсирга эга бўлган ва АД ривожланишига ўз хиссасини қўшган T/G атопия генотиби патогенезига таъсирнинг бир хилда бўлмаслиги ҳамда ассоциацияси тўғрисида сўз юритишга имкон беради.

Тадқиқот ўтказиш давомида бизлар томондан дерматореспиратор синдромли АД билан оғриган беморлар гуруҳида *IL2* гени rs2069762 (T330G) алелл вариантларини ҳисобга олиш билан умумий IgE ва яллиғланиш олди - (ИЛ2) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) цитокинларининг ҳолати таҳлил қилинди. Бунда, нохуш алелл вариантли T/G ва G/G гетерозигот ва гомозигот вариантда бўлган беморларда умумий иммуноглобулин E нинг даражаси *IL2* генининг T/T (T330G) ижобий генотибидаги беморлар кўрсаткичларидан 1,05 ва 1,3 мартага ортиқ бўлади. Олинган натижалар статистик ишончли тавсифга эга бўлди ($P < 0,05$).



1-расм. *IL-2* гени rs2069762 (T330G) ген вариантлари полиморфизмини ҳисобга олиш билан АДли беморларда про-(ИЛ-2) ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-10) (пг/мл).

IL-2 гени (T330G) генининг алелл вариантларини ҳисобга олиш билан ИЛ2 яллиғланиш олди цитокинларини тадқиқ қилинганда статистик ишончли тавсифга эга бўлган *IL-2* гени T/T функционал генотиби билан солиштириш бўйича *IL-2* генининг нохуш генотипли гени (T330G) бўлган беморларда кўрсаткичларни 1,04 ва 1,2 мартага ортиши аниқланди ($P < 0,05$).

Шундай қилиб, адабиётларда нашр этилган ва бизлар томонимиздан ўтказилган шахсий текшириш натижалари шундан гувоҳлик берадики, яллиғланиш олди цитокини *IL-2* атопик патология ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Т-хелперлар юзасидаги *IL-2* рецепторлар орқали амалга оширилувчи *IL-2* нинг таъсири сигналлар узатилишини фаоллашишига ва яллиғланиш ҳамда иммун реакцияларни ривожланишига олиб келади. Олинган маълумотлар АД беморларида патогенетик даволашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш заруриятини таъкидлайди.

Диссертациянинг «Атопик дерматитли беморларни патогенетик даволаш» деб номланган бешинчи бобида 0,3 г куруқ зарчава илдизпояси экстракти ва 0,15 г куруқ илдизмия илдизининг бойитилган экстрактдан ташкил топган, Ўзбекистон Республикаси «Navkar Group» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган иммунитетни коррекцияловчи ва аллергияга қарши дори воситаси «Гепапрот Нео» – дори воситасини қўллашни тавсифловчи билан ишлаб чиқилган патогенетик даволаш баён этилган, у ўзининг махсус танлаб олинган таркиби туфайли яллиғланишга қарши, антиоксидант, гепатопротектив, иммуностимулловчи таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Бунда қизилмия илдизи экстрактининг асосий таъсир кўрсатувчи моддаси бўлиб глицирланган кислота ҳисобланади, у яллиғланишга қарши, гепатопротектив, вирусларга қарши, аллергияга қарши хусусиятларга эга, улар оқ каламушларда ўтказилган тажриба тадқиқотларида исботланган.

«Гепопрот нео» дори воситаси 10 кундан 30 кунгача бўлган муддатда кунига 3 марта 2 капсуладан буюрилди. Бемор болаларни ёшига боғлиқ холда 10 кун давомида овқатдан кейин кунига 3 марта битта капсуладан «Гепопрот Нео» 0,5г буюрилди. Катталар учун эса 10-30 кун давомида кунига 3 марта 2 капсуладан буюрилди.

